

**ТЎЙ — ДИЙДОР ВА МАЪРИФАТ БАЙРАМИ. ТЎЙ ВА МАЪРАКА
ТАДБИРЛАРИДА ТАРТИБ ВА МАСЪУЛИЯТ****Фирцза Мухитдинова***ТДЮУ профекссори, юридик фанлар доктори*

Ёшларнинг келажагини дабдабали тўйлар билан эмас, маърифат ва илм асосида қуриш — бу замон талаби, ота-оналар бахти ва жамият тараққиётининг гаровидир.

Ф.Мухитдинова

Аннотация: *Ушбу мақолада тўйнинг аслида қариндош-уруғлар ва яқин дўстлар ўртасидаги дийдорлашув ва суҳбат байрами сифатидаги маъноси ёритилади. Мустақиллик йилларида тўй маросимларини соддалаштириш ва уни маънавий мазмун билан бойитиш учун қабул қилинган қарорлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, замонавий Ўзбекистон аҳолисининг фарзанд тарбиясида илм ва маърифатга бўлган эътибори алоҳида таъкидланади. Мақолада тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартиби ҳамда ҳуқуқий асослар кенг ёритилади. Тадбирларни ихчам ва тартибли ташкил қилишга оид белгиланган талаблар, уларни амалга оширишдаги эътиборсизлик ҳолатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, миллий анъаналар ва ахлоқий меъёрларга зид бўлган ортиқча расм-русумлардан воз кечиш, ижтимоий муҳит барқарорлиги ва жамоат тартибини таъминлаш каби масалаларга алоҳида урғу берилган.*

Тўй — аслида қариндош-уруғлар ва яқин дўст-биродарларнинг дийдорлашуви, суҳбат ва қувончга тўйиши маъносини ифода этади. Мустақиллик йилларида тўйларни айнан дилга яқин инсонлар ўртасидаги дийдор байрамига айлантириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бугунги янгиланаётган Ўзбекистон аҳолиси эса фарзандлар бахти ва келажагини илм-маърифат ва тафаккурда кўришмоқда. Мактабгача таълим тизими илғор хорижий тажрибалар асосида янгича ривожланиш босқичига ўтганидан хабардормиз. Хусусан, сўнгги йилларда болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, 38 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76 фоизга етган. Мамлакатда мактаб таълимини ривожлантириш, хабарда айтилишича, умуммиллий ҳаракатга айланган. Охириги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, бу йил 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган. Ёшларга иккинчи хорижий тил ва касб ўргатиш кенгайтирилиб, илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилган. Республика бўйича 500 та мактабда Президент ва ихтисослашган мактаблар ўқув дастури, баҳолаш тизими жорий этилди. Бунда, Президент ва ихтисослашган мактаблар уларга “таянч мактаб” бўлмоқда. Ёшларда илмга интилиш юксалиб турганда, спорт мусобақаларида юқори даржада ёшларимиз ютуқларга эришиётган бир даврда ҳали ҳам

жамиятда кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар учраб турмоқда. Бу тўй маросимларида "тўқликка шўхлик", "ким ўзар" қабилидаги маданияту маънавиятимизга зарарли янги-янги урфлар одат тусига кириб бормоқда. Халқимизнинг узоқ йиллик кадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг иждимой аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари в анъаналарини менсимаслик, чтобы иллатлар кўзга ташланмоқда. Мусибат етган хонадонларда эса, "етти", "йигирма" ва "қирқ" номи билан қилинаётган эҳсон маросимлари ҳам ортиқча исрофгарчиликдир. Бундай салбий иллатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек фуқаролар йиғинларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузилган эди. Ҳатто ҳуқуқий ечим сифатида қарор чиққани, Низом ҳам эълон қилинганини унутдикми? Яна дабдабазитк кучайди. "Чарлар", "ақиқа маросими", "мучал тўйи", "қиз мажлиси", "куёв чақириқ", ҳайитда "келин кўриш" каби маросимлар аҳоли томонидан ортиқча, деб баҳоланмоқда. Бироқ бундай маросимни ташкил этаётган шахсларда тадбирларни обрўлироқ жойда ўтказишга, ўзининг ютуқларини кўз-кўз қилишга, моддий мавқеи билан мақтанишга интилиш кучаймоқда. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар ҳаддан зиёд баланд нархларда хизмат кўрсатмоқда, ўз томоша хизматларини кўрсатиш давомида миллий менталитетимиз, кадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган, "оммавий маданият" иллатларини тарғиб қиладиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар намоёиш этилмоқда.

Аксарият тўйхона эгалари ихчам ва камхарж ўтказиш ниятида бўлган фуқаролардан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда белгиланган қоидаларга зид равишда тўй харажатларини икки-уч барабар миқдорда асоссиз ундириб олмақда.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг тобора авж олиши минг-минглаб оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатларга чек қўйиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, қадимдан халқимиз ўта доно ва тежамкорлик билан ҳар қандай тадбирни ўтказганини биламиз. Ҳатто бугунги каби дабдаба билан бўлган ҳолатларда жамоат арбоблари, олиму оқил кишилар ўз фикрларини билдиришган. Халқни маърифатга чорлашган. Жумладан, XIX асрнинг охири XX

асрнинг бошларига келиб, мустамлака ўлкага айланган бугунги Ўзбекистон ҳудудида тўйларни ўтказишда мустамлакачи миллатнинг ҳамда маҳаллий зодагон халқ вакилларининг анъаналари қоришиб, дабдабозлик ва исрофгарчиликларга бой бўлган тўйларни ўтказиш урфга кирди. Ўша даврда яшаб ўтган миллатнинг жонкуяр фарзанди Маҳмудхўжа Беҳбудий тўйларга нисбатан шундай таъриф берган эди: “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразмими гумон этарсиз? Ёинки, сил, сил-ар-ия ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоё, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизғача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азозисминдаги икки қаттол душманни дерман.”

Дарҳақиқат миллат маърифатпарварнинг куюнчаклик билан айтган бу сўзлари 100 йил ўтиб ҳам долзарблигини йўқотмади. Бугун мен сендан кам эмасман деб, тўйни кимўзар пойгага айлантираётганлар икки ёшнинг бошини қовуштириш баҳона атрофдагиларга ўзининг молу давлатини кўз-кўз қилмоқчи бўлаётгандек гўё.

Афсуски, кўча-кўйда тўй қиламан деб қарз бўлиб қолган, анча вақтгача рўзғори қийин аҳволда тебратаётган ҳақида эшитиш янгилик эмас. Баъзан ўйлаб қоласан киши, одамзод наҳот ўзи ўйлаб топган мантиқсиз “қонун-қоидалар”га, урф-одат деб аталмиш кераксиз сарф-харажатларга шунчалик тобе бўлса?

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда бир йилда ўртача 300 минг атрофида тўйлар ўтказилар экан, уларнинг умумий сарф-харажати қарийб 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу қай бир давлатнинг бюджети дегани. Айнан мана шу харажатларнинг тахминан 20 фоизи давлат ғазнасиغا солиқлар орқали тушар экан. Яна бир жиҳат борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Афсуски, тўй бўлган жойда қачондир аза ҳам бўлади. Сабаби иссиқ жонмиз, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Аза ва дафн этиш маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирлар ҳам миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Мархумлар ҳурматига “етти”, “пайшанбалик”, “якшанбалик”, “йигирма”, “қирқ”, “ҳайит”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “мато улашиш” каби маросимлар бугунги кунда кўпчиликни ташққвишга солмоқда. Қарз, кредитлар эвазига шартмикан бунақа чиқимлар?. Умуман бугун тўй ва маросимларни тартибга солиш, ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижа бермаётганини, тарғиботлардан кейин эса, аҳоли қатламлари сарф-харажатни қисқартириш ўрнига бунинг аксини қилаётгани, гапнинг индаллосини айтганда, “кўрпага қараб оёқ узатилмаётгани”нинг гувоҳи бўламиз. Иш шу даражага бориб етдики, мазкур масала Давлат раҳбарининг ҳам эътиборини тортди. Эсингизда бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август куни мамлакатнинг ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда тўй-маъракалардаги исрофгарчилик, дабдабозлик ҳолатларини танқид қилган эди. “Жойларда

бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп одамлар менга айтаяпти, Виртуал қабулхонага ёзаяпти, “Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар”, деб мурожаат қияпти. Ҳақиқатан ҳам, айти шу масала неча йиллар, ҳатто, асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жаҳид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.

Бугунги кунда тўй ва маърака тадбирларини тартибли ва ихчам ўтказишга оид ҳуқуқий асослар кенг тарғиб қилинса-да, амалиётда бу талабларга етарлича амал қилинмаётгани ачинарли ҳолатдир. Шу мақсадда белгиланган умумий қоидалар қуйидагилардан иборат:

- Тўй ва маъракалар фақат бир кун давомида, соат 06:00 дан 23:00 гача ўтказилиши лозим (дафн маросими бундан мустасно).

- Тадбирларда қатнашувчилар сони 200-250 нафар билан чекланган. Қўшалоқ тўйларда 250-300 нафаргача рухсат этилади.

- Тадбир ўтказувчилар маҳаллий фуқаролар йиғини органларини камида бир ҳафта олдин хабардор қилиши шарт.

- Сухратпарастлик, дабдабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги талаб этилади.

- Автотранспорт хизмати лицензияли бўлиши, нотартиб ҳаракатлар ва ортиқча шовқиннинг олди олиниши шарт.

- Миллий қадриятларга зид бўлган расм-русумлар ва маърака билан боғлиқ ортиқча маросимлар тақиқланади.

- Тадбирларда фақат икки нафар хонанда ёки гуруҳ қатнашиши мумкин ва барча хизматлар шартнома асосида ташкил этилади.

- Тўйхона, кафе ва ресторанлар масъуллари санитария, хавфсизлик ва қонун талабларига қатъий риоя қилишлари шарт.

Мазкур талаблар ижтимоий осойишталикни таъминлаш, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш ва миллий анъаналаримизни асраб-авайлашга хизмат қилади.

Ушбу Низомнинг 3, 4-бандларида, 8-бандининг учинчи ва тўртинчи, хатбошиларида, 9-бандининг иккинчи, учинчи хатбошиларида, 10-бандида назарда тутилган қоидалар хонадонларда (гузарларда) ташкил этиладиган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларга ҳам татбиқ этилади.

Албатта, бунда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда миллий қадриятларимизга ёт бўлган “оммавий маданият” унсурлари намоён бўлишининг олдини олиш мақсадида мунтазам маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали намунали тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ҳақида ижтимоий роликлар яратиш ҳамда ҳар кунги республики телеканалларида 2-3 дақиқа ёритиб бориш зарур.

Маҳаллаларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни режалаштирган оила вакиллари билан, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасида суҳбатлар ташкил этиши;

хотин-қизларга тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни камхарж қилиб ўтказишни, уларда ортиқча исрофгарчиликка берилиш оила иқтисодига ва ёш оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатишини ҳаётий мисоллар орқали кенг тушунтириши;

турмуш қуриш арафасида турган ёшлар билан ижтимоий-психологик суҳбатлар уюштириши, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаши, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориши;

- ёшлар ўртасида урф бўлаётган “оммавий маданият”, “севги тарихи”, қимматбаҳо машиналар кортежи ва бошқаларнинг салбий оқибатларини кўрсатиб берадиган ижтимоий роликлар ва фильмлар, бадий асарлар тайёрлаш ҳамда тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириши лозим.

Ўзбекистонда тўйлар, оилавий тантаналар ва анъанавий маросимларни ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жорий этиш режалаштирилмоқда.

Бу ташаббуслар Президентнинг «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон президенти 21 апрел куни коррупцияга қарши курашиш бўйича янги фармон имзолади.

Фармоннинг иловасига кўра, 2025 йилнинг август ойигача тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тўй-ҳашам, маърака ва маросимлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари кучайтирилади.

Амалдаги қоидалар қанақа?

Ўзбекистонда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида низом бор.

Бу низом парламент палаталари кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қарори билан тасдиқланиб, 2020 йил 1 январдан кучга кирган ва ҳозир ҳам қонуний кучга эга.

2020 йил март ойида бу қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилди. МЖТКга қўшилган 1921-моддага кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартиби риоя этмаган фуқароларга 10 БҲМ (ҳозирда 3 млн 750 минг сўм), тўйхона ва кафе-ресторанларнинг

мансабдор шахсларига 30 БҲМ (такрорий содир этилса, 50 БҲМ) миқдорида жарима белгиланган.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно), соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, бу тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

Дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно.

Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни («келин навқари», «чорлар», «ота кўрди», «сеп ёйди», «қуда чақирди», «куёв чақирди», «келин чақирди», «тоғора юбориш» ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирларни («етти», «пайшанбалик», «йигирма», «қирқ», «йил оши», «пул тарқатиш», «мато улашиш» ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда:

- тўй ўтказувчи шахслар тўйдан камида бир ҳафта олдин маҳаллани фуқаролар йиғинини хабардор қилиши;

- никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп бўлган енгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланмаслик;

- тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда пулли автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига йўл қўймаслик, тўй эгаларининг шахсий автомашиналаридан ҳамда ҳомийлар ёрдамида жалб этилган автотранспорт воситаларидан фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно;

- шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик;

- маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказмаслик, жамиятда шаклланган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, ушбу маъруза диний ташкилотининг ваколатли вакили томонидан ўқилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда лицензияланадиган фаолият туридан фойдаланилган тақдирда, лицензияли хизмат кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар тўйхона, кафе, ресторан маъмуриятига ва ушбу хизматдан фойдаланувчиларга бу каби хизматларни кўрсатишга рухсат берувчи лицензиянинг нусхасини тақдим этиши зарур.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 192-1-модда, яъни тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмасликда ифодаланган ҳуқуқбузарлик билан тўлдирилди.

Унга кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказувчи шахс томонидан мазкур тадбирларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биз жазодан қўрқиб эмас, эртангги авлод учун маърифатга юз тутиб, ақл ила иш тутайлик.

Келинлар азизлар!!!

Тўй ва маърака тадбирларини ихчам ва мазмунли ўтказайлик.

Шуҳратпарастлик ва дабдабабозлик ўрнига маънавий қадриятларга эътибор қаратайлик.

Илм ва маърифатни биринчи ўринга қўяйлик.

Фарзандлар бахти ва келажагини тўйда эмас, уларга билим ва тафаккур беришда кўрайлик.

Қонун-қоидаларга риоя қилайлик.

Тадбирларни белгиланган вақт ва чекловларга мувофиқ ташкил этиш орқали жамият осойишталигига ҳисса қўшайлик.

Ортиқча маросимлар ва беъманиликларга чек қўяйлик.

Миллий анъаналарга хилоф бўлган расм-русумлардан воз кечайлик.

Маърифий ва тарбиявий тадбирларни кўпайтиришга ҳисса қўшайлик.

Ёш авлодни фақат байрамлар билан эмас, ҳаётий билим ва ахлоқий тарбия билан қувонтиринг.

Ҳамжиҳатлик ва бирдамликни сақлайлик.

Тўй ва маъракаларда бир-биримизга ҳурмат ва маданиятли муносабат билан намуна бўлайлик.

Бугунги кунда тўй ва маърака тадбирларини ихчам, маънавият ва маърифат асосида ўтказиш давр талаби ҳисобланади. Миллий

қадриятларимизга мос, ортиқча дабдабадан холи маросимлар жамиятда соғлом муҳитни шакллантиради, ёшларнинг тарбияси ва келажаги учун мустаҳкам замин яратади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро ўзи ва фарзандлари бахти йўлида маърифатни, илмни, одоб-ахлоқ меъёрларини биринчи ўринга қўйиши зарур. Қонун-қоидаларга риоя қилиш, маданиятли ва камтарона ҳаёт тарзини тарғиб этиш — фаровон келажак сари қўйиладиган муҳим қадамлардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори. (lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси (lex.uz).
3. “Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси”, 2019 йил.
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг маънавият ва ёшлар тарбиясига оид нутқ ва чиқишлари.
5. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс. <https://lex.uz>
6. Маҳалла ва оила масалалари бўйича вазирликнинг расмий материаллари.